

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИДА ИНТУИЦИЯНИНГ ЎРНИ.

ТПДУ Фалсафа кафедраси

ўқитувчиси Надинова З.П.

Ҳозирги кунда ҳар бир мустақил давлат ўзига хос ривожланиш йўлини танлагани каби мустақил Ўзбекистон ҳам ўзига хос тараққиёт йўли, яъни эволюцион тараққиёт концепцияси асосида ривожланиб бормоқда. Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталетитига таянган ва айни вақтда жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асосланганлиги туфайли халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилмоқда. Шунингдек, бугунги кун учинчи тулқин цивилизацияси постииндустриал ахборотлашган жамияти даврида фан ва илмий техника тараққиёти жамият ривожланиши, шу жумладан унинг моддий иқтисодий негизи, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини белгиловчи омил ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан иборат: “1) медиатизация (лот.mediatum - воситачи) – ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; 2) компьютерлаштириш – ахборот излаш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни; 3) интеллектуализация – ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни.”¹ Шунини айтиш ўринлики, ахборотлаштиришнинг муҳим жиҳати, унда технологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлар уйғунлиги акс этади. Шунингдек, ҳозирги шароитда ахборотлаштириш, унинг кулами, суръати йўналиши жамиятда содир бўлаётган ижтимоий

¹ Фалсафа энциклопедик лугат / ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. –Б 33

сиёсий ва маданий жараёнларга, шу жумладан фан таълим, маданиятнинг глобаллашув даражасига бевосита боғлиқ.

Бизга маълумки, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний кадрият негизида уйғунлашуви ҳамда экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши глобаллашувнинг ижобий жиҳатида ўз ифодасини топади ва аксинча “Оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларининг тарқалиши, экологик фалокатлар, табиий заҳираларнинг барҳам топиши, демографик портлашлар, халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва ҳақозоларда глобаллашувнинг салбий жиҳатларида акс этади. Бизнинг назаримизда, глобаллашув жараёни ахборот шаклида инсон онгига таъсир этиши оқибатида у жамиятнинг турли соҳаларига кириб борар экан, ўзининг салбий, ижобий таъсирини кўрсатади, яъни глобаллашув информацион ва мафкуравий жараёнларда намоён бўлиб, ушбу жараёнлар энг аввало жамият маънавий соҳасига таъсир қилади. Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг маърузаларида таъкидлаганидек: “Маънавий тажовуз” тушунчасини ишлатадилар. “Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади.”¹ Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға суриш, ниқоби остида амалга ошираётган ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.108.

Маънавий таҳдид ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишдан олдин, биз маънавият тушунчасига эътибор қаратишимиз лозим. “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.¹” Демак, маънавий таҳдид бир вақтнинг ўзида инсоннинг ҳам онгига, ҳам руҳиятига таъсир кўрсата оладиган жараён. Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов “Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот ва коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар руй бераётган, турли мафкуралар тортишувлар кескин тус олаётган бир вазиятда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.”² - деб таъкидлайдилар.

Масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, интуициянинг бу борадаги аҳамиятини кўриб чиқамиз. Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, интуиция, интуитив билиш ўзида яхлитликни, узвийликни акс эттирувчи билиш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан муаммога фалсафий интуитив жиҳатдан ёндошамиз. Ф.ф.н.доц Шахноза Қаҳҳорова ўзининг “Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси” номли асарида глобаллашув жараёни хусусида сўз юритади. Унинг фикрича, глобал инқироз ўзи каби глобал соҳавий инқирозларни келтириб чиқаради; тиббиёт инқироzi, экологик инқироз, антропологик инқироз, демографик инқироз, ресурслар инқироzi, иқтисодий молиявий инқироз, сиёсий инқироз, ижтимоий инқироз, ахлоқий инқироз, қадриятлар инқироzi, маънавий инқироз, таълим тарбия инқироzi, глобал тарихий кризис каби инқирозларни олима цивилизация тушунчаси

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, Т., “Маънавият”, 2008. –Б 19

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.111.

билан боғлайди¹. Бизнинг назаримизда, мазкур инқирозлар бир-бирини шакллантирувчи, ривожланиш сабаблари бир хил бўлган жараёнлардир.

Шахноза Қаҳҳорова экологик инқирозни табиат ва жамият орасидаги мувозанатнинг бузилиши тарзида изоҳлайди.² Бизнингча, мазкур инқироз экзистенциалистлар назаридаги “бегоналашув жараёни”нинг яққол ифодасидир. Экзистенциалистлар талқинида, бегоналашув жараёнининг илк кўриниши жамиятнинг табиатдан сунъий табиат яратиши орқали содир бўлади; иккинчи босқич инсоннинг жамиятдан бегоналашуви; учинчи босқич инсоннинг ўз ўзидан бегоналашувидир.”³ Инсоннинг ўз ўзидан бегоналашуви ҳолатини француз ёзувчиси ва файласуфи Албер Камю (1913-1960) ўзининг “Бегона” номли асарида батавсил ёритиб ўтади. Инсон том маънода табиат ва жамият маҳсули экан, у жамият ҳам табиатнинг бир бўлаги ҳамдир. Шу боис экологик инқироз жамият, табиат ва инсоният инқирозидир. Ўз ўзидан аёнки, интиқирознинг ечими яхлитликни акс этган жараён, яъни табиат — жамият — инсониятнинг бирлигида, узвийлиги ўз ифодасини топади.

Антропологик инқироз юқоридаги инқирозларнинг сабабчиси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у ўз ичига демографик инқироз, ахлокий инқироз, қадриятлар инқирози, оила инқирози, маънавий инқироз, таълим тарбия инқирозини қамраб олади. Аслида инқирозларнинг барчаси инсон тафаккури ва келажакни ўйламай қилган ҳатти ҳаракати туфайли содир бўлади. Бизнинг талқинимизда, инқирозларнинг яна бир муҳим сабабчиси бугунни ўйлаб иш битирадиган ва мавжуд қонун қоидаларига риоя қиладиган рационал тафаккур эгаларидир. Улар атроф муҳитга, жамиятга ва ўзларига фақат ақл нуқтаи назаридан, бир ёқламаликка асосланган ҳолда ёндошади. Бу эса инсонда ўз манфаати ва мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган шафқатсиз туйғуларни шакллантиради. Айни пайтда бир ёқлама ёндошув бутуннинг қисмларга ажралишига ва унинг парчаланишига олиб келади. Шу

¹ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. “ТАФАККУР” нашриёти – Т.: 2009. Б 11.

² Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. “ТАФАККУР” нашриёти – Т.: 2009. Б 12.

³ Янги ва энг янги давр Ғарб фалсафаси (XVII-XX асрлар):/ С.Йўлдошев, М.Усмонов, Р.Каримов.-Т.: Шарқ, 2002.-Б.261.

боис иррационал тафаккур вакиллари инсондаги руҳият билан боғлиқ бўлган ҳолатларни юқори ўринга қўйишади ва бу билан улар ҳам бир ёқламалик хатосига йўл қўйишади. Бизга маълумки, “дин” инсон онгига ва қалбига бевосита таъсир кўрсата оладиган кучли восита. Бироқ диндан усталик билан фойлана оладиган манфур кимсалар жамият яхлитлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши бизга сир эмас. Бизнинг талқинимизда, инсон тафаккури рационал ва иррационал яхлитликка асослангандагина учраши мумкин бўлган ҳар қандай муаммога ечим топа олади.

Глобал инқирозлар ичида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий инқирозларни ҳам кўзатишимиз мумкин. Жамият яхлит тизим сифатида фаолият юритар экан, унда кечадиган ҳар бир ҳодиса ва жараён жамиятнинг муайян ҳаёт соҳасига тегишли ва айтиш жоизки, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт соҳалари бир бири билан чамбарчас боғлиқ ва бу соҳалар унинг устуни ҳисобланади. Мазкур соҳаларни мустаҳкам боғлаб, жамият тараққиётини белгилаб берувчи соҳа бу унинг— маънавий соҳасидир. Зеро, ҳар қандай давлат ёки жамият тараққиёти ўзининг юксак маънавиятида ўз ифодасини топади. Демак, мавжуд глобал инқирозларнинг олдини олиш ва уларга ечим топишда ёшлар маънавиятни ва ижтимоий онг шакллари юксалтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Маънавиятда илмий тафаккур, интуитив тафаккур муҳим аҳамиятга эга.